

**ХОТИРА ВА ТАСАВВУРДАН ИШЛАШНИНГ ТАЛАБАЛАР
ИЖОДКОРЛИК КЎНИКМАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ
АҲАМИЯТИ**

Султанов Хайтбой Эралиевич

Чирчиқ давлат педагогика университети

Маърифхўжаева Нозима Комил қизи

Бўка тумани 27- ИДУМ

тасвирий санъат ўқитувчиси

***Аннотация:** Мақолада ҳозирги глобллашув даврида вужудга келаётган муаммолар, хотира ва тасаввурдан ишлашнинг тасвирий санъатни ўқитиш, ўқувчи-ёшлардаги ижодкорлик кўникмаларини ривожлантириш ва маънавий дунёқарашини шакллантиришдаги аҳамияти асослаб берилган.*

***Таянч сўзлар:** маънавий тарбия, натура, перспектива, бадиий тафаккур, тасаввур, хотирадан расм ишлаш, композиция, натюрморт.*

**THE IMPORTANCE OF WORKING FROM MEMORY AND
IMAGINATION IN THE DEVELOPMENT OF STUDENT'S
CREATIVE SKILLS**

***Abstract:** In the article, the problems that arise in the are of globalization, the importance of working from memory and imagination in teaching visual arts, developing creative skills in students and forming a spiritual worldview are substantiated.*

***Key words:** spiritual education, nature, perspective, artistic thinking, imagination, painting from memory, composition, still life.*

Бугунги кун ёшларини янгича ижтимоий муҳитга тайёрлаш, давр руҳида тарбиялаш, таълим соҳасини ислоҳ қилиш, тизимни тубдан такомиллаштириш, хусусан, тизимга ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасини татбиқ этиш гоёси кун тартибидаги долзарб ва устивор вазифаларидан бири сифатида давлатимиз раҳбари томонидан кўп бора таъкидланиб келинмоқда. Шундан келиб чиқиб, миллий анъаналар, урф одатлар, турмуш тарзи каби ўзига хос шарт-шароитлари хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда таълим тизимининг бутунлай янги ўзига хос моделини ишлаб чиқиш вазифаси Республикамиздаги энг долзарб масалалардан бири сифатида кун тартибига қўйилди. Умумжаҳон меҳнат бозоридаги юзага келган янги бозор талаблари республикамиз таълим тизимини ривожлантиришнинг ҳам асосий йўналишларини белгилаб бермоқда.

Маънавий тарбия соҳасида ўқитувчиларнинг фаолиятини методик таъминловчи ўқув материаллари, шу жумладан, маънавий тарбия соҳасига оид методик қўлланмалар, ўқувчилар учун зарур дарсликлар етарли эмас⁵⁷лиги давлатимиз раҳбари томонидан алоҳида эътиборда эканлигини кўрмоқдамиз. Мана шундай муҳитда тарбияланаётган ёш авлоднинг кўп жиҳатдан миллий маданиятимиздаги классик асарларини тушуниб етмаслиги ва қадриятларимизга нисбатан безътиборлиги ачинарли ҳол. Аслида, биз маҳлиё бўлаётган илмий-техник тараққиётнинг замонавий шароитида илм-фан, таълим, маданият ва санъатнинг ўрни тобора ортиб бормоқда⁵⁸.

Тасвирий санъат ривожланиши тарихида натура расм ишлашнинг аниқ икки йўли белгилаб берилган. Масалан, Голландия ва Фландрияда алоҳида жанр мутахассислари бор эди, шу жумладан натюрмортда ҳам. Рассом Снейдерснинг натюрмортлари бунга яққол мисол бўлиб хизмат қилади. Айнан бир йўналишда, бир хил мавзуда кўп ишлайдиган рассомларда бир нарсани қайта-қайта ишлаш натижасида ушбу композицияни ёддан ишлаш кўникмалари ошиб боради. Лекин

⁵⁷ Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1059-сонли қарори

⁵⁸ Алексеева С.О. Проблемы обучения изобразительному искусству в общеобразовательной школе/
<https://cyberleninka.ru/article/n/problemy-obucheniya-izobrazitelnomu-iskusstvu-v-obscheobrazovatelnoy-shkole/viewer>

уларнинг ҳам эришган малака ва техник усуллари асосида натурани доимий кузатиш ва ўрганиш кўникмалари ётади. Бир хил жанрда ишлайдиган ўзига хос мутахассислар ичида рус rassomларидан Айвазовскийни мисол келтирса бўлади. У маринистик жанрда ишлашда шундай малакага эга бўлган эдики, асарларининг деярли барчасини устахонадан чиқмай ёддан ишлаган деса бўлади. Фақат бир хил жанрда сабот билан кўп ишлаган rassom, шундай маҳоратга эга бўладики минглаб картиналарни енгил қийналмасдан ишлаб ташлаши мумкин.

Тинимсиз меҳнат ва тажрибаси натижасидан келиб чиққан маҳорати эвазига у томашабинларни ҳайратга солишга қодир. Уларнинг ишларида бир-бирига ўхшашлик ва композиция қайтарилишини кузатиш мумкин. Тасвирий санъат тарихида бундай бир жанрни севиб, фақат унда ишлаган, ўзидан кейин кўп сонли асарларни меърос қилиб қолдирган rassomларни жуда кўплаб санаб ўтиш мумкин. Масалан: Рубенс.

Перспектива, пластик анатомия, рангшунослик ва бошқа бадиий ижодкорлик фаолияти билан боғлиқ билимларни яхши билиш хотирадан расм ишлаш кўникмаси ривожланишини таъминлайди. Бу билимлар тасвирий санъат йўналишида таҳсил оладиган талабаларнинг ўзлаштиришлари шарт бўлган, чизматасвир, рангтасвир ва композиция каби ўқув ижодий фаолиятлари билан чамбарчас боғлиқ ҳисобланади.

Талабалар тайёргарлиги дастурида хотирадан расм ишлашга оид бир неча вазифа ва машқларни ўз ичига олади. Дастурий вазифаларда кўпроқ хотирадан чизишни тез-тез такрорлаш машқлари амалда қўлланилади. Лекин бундай ранглавҳалар бажаришни такрорлаш машқлари учун ажратилган соатлар, натурадан ишлашга нисбатан анча кам. Хотирани кучайтиришга оид бундай вазифани такрорлашда талабаларга натурадан олган таасурот тафсилотларни тенглаштириш ҳисобига умумлаштирилган таасуротларни беришга интилишлари ҳақида йўл йўриқ берилади. Одатда ранглавҳаларда майда бўлақларни ифодалашдан воз кечиш, тасвирий санъатда оқлаб бўлмайдиган

осонлаштириш, яъни кейинги ўқув жараёнига салбий таъсир кўрсатадиган оқибатларни келтириб чиқаради.

Хотирани ривожлантириш учун дастурдаги натурадан бажарилган вазифани қайтадан тасаввурдан чизиш машқлари одатда натурадан расм ишлаш машғулоти тугатгандан бажарилади. Бундай ҳолларда ҳам хотирадан ишлаш машқларини бажариш мумкин, лекин фақат ўз ишининг иккинчи нусхаси бўлиб қолмаслиги учун натуранинг бошқа ракурсдан кўринишини, ёки орадан бир неча кун ўтгандан кейин хотирадан ишлаш янада фойдалироқ бўлади. Ўшанда талабалар кўпроқ шахсий хотираларига, яъни буюмнинг ранг тус хусусиятлари, шакл, нисбат, композициядаги пластик ҳаракатларни эслаб қолиш ва акс эттира олиш кўникмаларига таяниб ишлашга ҳаракат қилишади. Бундай машқларни натурадан қараб ишланган вазифа тугатилганидан кейин бажариш яхши фойда беради.

Агар рангтаъсир машғулоти кўриб чиқар эканмиз, унда хотирадан ишлаш машқларида ранг хусусиятларини бериш ўта мушкул вазифа эканлигини кўришимиз мумкин. Натурадаги нозик ранглар кўламнинг ранг баранглигини бериш бошловчи расом учун қийинчиликлар туғдиради. Натурадаги ранг муҳитини эслаб қолиш ва бера олиш жуда мураккаб ҳисобланади. Бу рангларни кўриш қобилиятларнинг қандай ривожланганлиги билан боғлиқ. Хотирадан ишлаш вақтида натурадаги ранглар таъсирчи томонидан ўзига тушунарлироқ бўлган бошқа ранглар билан таъсирланиши мумкин.

Масалан: ўт ўланлар, дарахт барглари ишлашда баъзан оддий яшил ранг туслар билан, ғиштли уйларни зарғалдоқ оҳра ранглар, осмонни мовийранг ва ҳ.к... ифодаланиши мумкин. Фанни ўзлаштиришдаги перспектива қонун ва қоидалари, рангшуносликдан олган билимлари ва тўплаган тажрибалари натура образини хотирадан тиклашга ёрдам бериши лозим. Шунинг учун кузатиш вақтидаги ҳолат, натуранинг ёруғлик таъсиридаги ранглар кўлами хусусиятларини эса сақлаб қолиш ва тасаввурдан таъсирлаб бера олиш ўзига хос назорат ва хотиранинг асоси бўлиб хизмат қилади. Агар бу хусусиятларни

бера олмас экан, унда бажарилган ранглавха жозибадор ва ҳаётий чиқиши қийин. Ранг-тус яхлитлиги сезгисини ривожлантиришга оид доимий машқлар бажариб туриш керак, ўшанда ранглавхалар мавҳум ва бир-бирига жуда ўхшаш бўлиб қолмайди. Кузатиш вақти ҳам тасвирни батафсилроқ эслаб қолиш сифатига таъсир этиши мумкин. Аммо натурани батафсил лекин қуруқ, жонсиз ўрганиш имконияти билан боғлаш керак эмас. Бизнинг эътиборимизни ўзига тортишга нима сабаб бўлса, диққатимиз ўша нарса атрофида тез-тез тўхталади. Натурадаги биз учун кўпроқ қизиқарли ва характерли нарсани кузатиш орқали эслаб қолиш кўникмалари тарбияланиб боради. Бу ёритилганлик, ранглар тарзи, об-ҳаво, буюмларнинг жойлашиш мароми, шакл хусусиятлари, композициядаги ҳаракат ёки турғунлик ҳолати, баъзан кўринишнинг қизиқарли бир бўлаги бўлиши мумкин. Шу фурсатдан (ёки ўқув ижодий дастур) натуранинг тузилиши, композиция мазмуни, унинг ўзига хос хусусиятлари ва қизиқарли бўлақларини эслаб қолиш ва таҳлил қилиш жараёни бошланади.

Натурани кузатиб ва таҳлил қилиб, талаба бажарадиган чизматасвир, рангтасвир композициясини имкони борича яққолроқ кўз олдига келтиришга ҳаракат қилиши, бунинг учун натурани синчиклаб кузатиши ва композицияни эсда сақлаб қолиши, уни рангда, чизикларда, тасаввурда жойлаштириш ҳамда хотирадан ишлаши керак. Қоғозда бошламасдан олдин талаба ўз ишининг тугалланган вариантини яққол тасаввур қилиши лозим. Шундай қилиб натурани таҳлил қилиш ва эсда сақлаб қолиш хотирадан ишлаш жараёнида маълум бир тасвир шаклига айланиб боради. Механик “кўчириш”га нисбатан бундай эслаб қолиш енгил ва ишончлироқ. Вазифани тугаллаш арафасида ёки тугаллангандан кейин натурани хотирада текшириб, аниқлаштириб кўриш керак. Ҳар қандай кузатиш заҳираларидан, тажрибалардан кўра натура мазмунлироқ, бойроқ. Шунинг учун натура бўйича аниқлаштириш хотиранинг келгусидаги ривожланиши ва бойишига олиб келади. Агар натурадан таъсирланиб ишламасдан фақат хотира ва тасаввурдан ишланса бу бир хил қолипдаги, бир усулни такрорловчи, оддий ва стилизацияга монанд композиция бўлиб қолиши

мумкин. Рангтасвир сиртдан караганда чиройли, бўлиши мумкин, лекин рангтасвирнинг нозиклиги, жозибadorлиги, тозаллиги йўқолади. Бунда композиция ҳаддан ташқари йиғма, зерикарли ва совуқ кўринишга эга бўлади.

Агар хотира ва тасаввурдан график воситалар билан ишлаш чизматасвир нуқтаи назардан қаралса ишнинг моҳияти ўзгармайди, фақат техникаси ўзгаради. Композициянинг асосий ва ўзига хос хусусиятини очиқ беришга мўлжалланган натурадаги мувозанат, ритм (маром), нисбатларни сезиш қобилиятлари график қораламаларда бир қатор машқларни бажариш мобайнида ривожланиб боради.

Кўрган нарсани эслаб қолиш ҳам юқоридаги рангтасвир қоидаларга асосланади, фақат бу ерда ранг орқа планга ўтиб кетади, биринчи планга тус чиқиб келади. Тусга чизиклар ва доғлар қўшилади. Тасвирий санъат йўналишидаги талабалар тайёргарлиги тизимида хотира ва тасаввурдан қораламалар ишлаш учун алоҳида вақт ажратилмаган, шунинг учун ўқитувчига машғулотлардаги у ёки бу постановка оралиғида қисқа муддатли алоҳида сеанслар ўтказиши мақсадга мувофиқ бўлади. Бундан ташқари талабалар ўзлари хоҳлаган усул ва техника танлаб мустақил ишлар бажариши ҳам жуда ҳам муҳим. Бу уларнинг мавзунини янада кенгроқ қамраб олиши, ишга ранг баранг ва ижодий ёндашиб вазифани бажаришига имкон туғдиради. Хаёлдан ва тасаввурдан мустақил ишлар бажариш босқичида талабаларнинг ижодий фаолиятлари билан бевосита боғлиқ қарор қабул қилишда маъсулият, дадиллик хусусиятлари тарбияланиб боради.

Аудиториядаги бевосита ўқитувчи раҳбарлигида вазифани бажаришга келсак бадий тафаккур ва тасаввурнинг янада фойдали ривожланиши учун талабанинг қараш нуқтаси ва жойлашган ўрни алмашиши зарур. Талабалар билан машғулотдаги натурани ўрганишда ўқитувчи ўқув жараёнида назорат қилиб туриши, талабалар жойини ўзгартириб туриши керак. Ишнинг бундай усулида натуранинг ҳар томондан ўрганилганлиги учун талабалар томонидан чизматасвир ва рангтасвирни янада самаралироқ ўзлаштиришларига сабаб бўлади. Энг муҳими талабалар бир хил жой ва ракурсдан ишлашга боғланиб

қолишмасдан, натуранинг хусусиятини очиб бериш учун тасвирлашнинг янги имкониятларни излашади. Шаклнинг тасвирини ҳар хил ракурслардан тасвирлаш орқали талаба қўйилган натюрморт қўйилмасини яхлит кўриш, унинг ўзига хос хусусиятларини англаш, ўқитувчи томонидан таклиф қилинган вазифанинг асосий мақсадини тушуниб етадилар.

Натуранинг баъзи бўлақларини, кузатиш ва таасуротлар асосида хотирадан қаламчизги, қораламалар, ранглавҳалар ишлаш жуда фойдали ҳисобланади. Бу ҳар хил шакл, характер, юзаларнинг ранг хусусиятлари (масалан: булутлар, шохчалар, ҳар хил буталар, дарахтлар барглари, гуллар, ўт ўланлар, мевалар ва ҳ.к...) бўлиши мумкин. Натуранинг алоҳида бўлақлари ҳақидаги тасаввур ва билимларни тўплаб, рассом натурага боғланиб қолмаслик учун керакли эркин ишлаш имкониятига эга бўлади. Бу унга келгусидаги ўқув ва ижодий фаолиятида асқотади, бадий тафаккур ва тасаввур чегараларини кенгайтиради, янги ижодкорлик сифатларини, ҳар томонлама ривожланган янги шахсни тарбиялайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги “Ўзлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1059-сонли қарори;

2. KE Sultanov Cluster Approach in Fine Art Education as a Factor for Improving the Educational System /International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding// Volume 9, Issue 2 February, 2022 Pages: 585-593 2022;

3. Doston Abduvoitovich Berdiyev Maktablarda tasviriy san’at fanini o‘qitishda kelajak ta’limi steam interaktiv ta’limini rivojlantirish / "Science and Education" Scientific Journal/ ISSN 2181-0842 February 2022// Volume 3 Issue 2 Pages: 687-690;

4. Laylo Mirsoatova Use of innovative methods in the development of students’ creative abilities / Current research journal of pedagogics (ISSN –2767-3278) volume 03 issue 01Pages: 45-49;

5. Xusanov B. Эстетик тарбия кластерининг таълимий асослари Educational bases of aesthetic upbringing cluster /SCIENCE AND EDUCATION SCIENTIFIC JOURNAL VOLUME #1 ISSUE #9 april 2020// -p.p. 561-566;

6. Sultanov Kh.E., Marasulova I.M., Bakhriev I.S. Ankabaev R..T. The Need for Creation of a Cluster of Pedagogical Innovations in the System of Continuous Education/International Journal of Psychosocial Rehabilitation// Vol. 24, Issue 05, 2020 ISSN: 1475-7192: -P.6586-6591.

7. Байметов, Б. Б., Султанов, Х. Э., & Муратов, Х. Х. (2019). Психологические основы активизации творческих способностей студентов в процессе практических занятий. Вестник науки, 1(7), 67-71.

8. Байметов, Б. Б., Султанов, Х. Э., Муратов, Х. Х., & Сабилов, С. Т. (2018). Научно-теоретические аспекты формирования композиционных способностей у студентов на занятиях по живописи. In Современная научная мысль (pp. 83-94).

15. Байметов

9. Султанов Х.Э., Маърифхўжаева Н.К., Юнусова К. Устоз – шогирд анъанаси бардавом: анъана янги кўринишда / Международный научно-технический конференции “Проблемы и решения интеграции изобразительного искусства и инженерной графики с другими дисциплинами” АДУ 2020, 1-том, №1: -248-251 б.;

10. Султанов Х.Э., Маърифхўжаева Н.К. Санъат – сеҳрли маънавий кўзгу /"Барқарор ривожланишда узлуксиз таълим: муаммо ва ечимлар" халқаро илмий амалий анжуман илмий ишлар тўплами// -2019: 2 том, -263-264 б.

11. Eralievich Sultanov Haytboy, Sultanovna Marasulova Izzat Muhammad Formation of students ‘spiritual education through creative circles in secondary schools /TRANS Asian Journal of Marketing & Management Research (TAJMMR) Year: 2020, Volume: 9, Issue: 6// First page: (53) Last page: (58) Online ISSN: 2279-0667;

12. Султанов Х.Э, Innovation technology clusters use of technology in illustration/ International Journal of Psychosocial Rehabilitation// - Vol. 24, Issue 04, 2020 ISSN: 1475-7192: -3876;

13. Султанов Х.Э., Маърифхўжаева Н.К. Отабоева Д. Тўғаракларда устоз шогирд тизимида машғулотлар олиб боришнинг тижобий жиҳатлари / “Замонавий архитектура ва қурилишнинг долзарб муаммолари” мавзусидаги архитектура қурилиш таълим соҳасидаги Республика илмий амалий конференцияси// Т.: -2018: -111-115 б.

14. Султанов Х. Э., Худайбердиев П. У., Собиров С. Т. Непрерывное образование в Узбекистане как требование времени / Педагогика «Молодой учёный» // № 4 (138) . - 2017.- С.388.

15. Султанов Х.Э., Пак В.Ш., Кукиев Б.Б. Использование новых информационных коммуникативных технологий на уроках изобразительного искусства // “Молодой учёный”, научный журнал, №4 2016. С. 833;

16. Алексеева С.О. Проблемы обучения изобразительному искусству в общеобразовательной школе/ <https://cyberleninka.ru/article/n/problemy-obucheniya-izobrazitelnomu-iskusstvu-v-obscheobrazovatelnoy-shkole/viewer>

Леонтьев А.Н. Проблемы психологии восприятия. – М., 1976.

17. Ростовцев Н.Н. Академический рисунок.- М.: Просвещение, 1995.

18. Теплов Б.М. Вопросы психологии восприятия и мышления. Труды института психологии. – М.- Л., 1948.

19. Якобсон П.М. Психология художественного творчества.- М.: Знание, 1971.